

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2020 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
доцент **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**  
профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррир:**  
**Ф.А.Сафаров,**  
**Техник муҳаррир:**  
**С.Хусенов,**  
**Корректор ва  
саҳифаловчи:**  
**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

**Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темура кўчаси, 9-уй,  
тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88  
факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:  
samisiservis@inbox.uz

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, доцент

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат  
Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
профессори, иқтисод фанлари доктори

**Б.К.Ғоибназаров** – ЎзР Давлат Статистика қўмитаси  
Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари  
маркази директори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
профессори, иқтисод фанлари доктори

**О.М.Муртазаев** – Тошкент Давлат Иқтисодиёт  
университети Самарқанд филиали директори, иқтисод  
фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
профессори, иқтисод фанлари доктори

**И.С.Тўхлиев** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
профессори, иқтисод фанлари доктори

**М.М.Мухаммедов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти профессори, иқтисод фанлари доктори

**К.Б.Уразов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
профессори, иқтисод фанлари доктори

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича  
проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Б.И.Исроилов** – ЎзР Адлия вазирлиги қошидаги юристлар  
малакасини ошириш маркази кафедра мудири, иқтисод  
фанлари доктори, профессор.

**Б.Абдукаримов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти профессори, иқтисод фанлари номзоди

**Б.У.Нуруллаев** – Самарқанд вилояти ҳокимининг  
туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари

## МУНДАРИЖА

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Н.Б.Рузиева</b> Научные основы и критерии структурных и институциональных реформ	5
<b>П.Й.Рахмоназаров</b> Худуднинг иқтисодий-ижтимоий барқарорлиги таҳлили	8
<b>Ш.З.Давронов</b> Аҳоли даромадларини кўпайтириш – ижтимоий ҳимоянинг муҳим омили	13
<b>А.П.Ҳазратов</b> Алоқа хизматлари кўрсатиш тизимининг тарихи ва ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари	18
<b>РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>М.Я.Исохужаева</b> Рақамли саводхонлик – ижтимоий-профессионал мувофиқлик омили	21
<b>В.З. Karjavov, A.R. Latipov, Yu.I.Turdibekov</b> Raqamli iqtisodiyotning investitsion muhitni shakllantirishdagi oʻrni	25
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Д.Рахмонов, Ғ.А.Ибрагимов, Ш.Б.Ваҳובה</b> Қишлоқ хўжалигида кластер тизими: ташкил этиш, муваффақиятлар ва камчиликлар	29
<b>Ғ.А.Елмурзайев, Ш.А.Муратов</b> Fермер хо‘jaliklarida tabiiy resurslardan foydalanishning ishlab chiqarish samaradorligiga ta’sirini baholash	32
<b>А.М.Закимов</b> Қорақалпоғистон республикасида қизилмия плантацияларини яратиш ва қайта ишлаш саноатини ташкил этиш муаммолари	36
<b>З.С.Шохўжаева</b> Худудий пахта-тўқимачилик кластерларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	40
<b>ИНҚИРОЗГА ҚАШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ</b>	
<b>Н. А.Ешқувватова, R.J.Qurbonova</b> Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda va inqirozdan qutqarishda rivojlangan davlatlar tajribasini qo‘llash	44
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>А.Бектемиров</b> Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти хизматлари: муаммо ва ечимлар (2-мақола)	48
<b>Обид Пардаев</b> Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш бўйича муаммолар ва уларнинг ечимларига оид таклифлар	51
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>М.Куймурадова</b> Туризм соҳасини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари	56
<b>А.Ш.Бердимуродов</b> Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд сити” туристик ҳудуди қошида “Кичик туристик ҳудуд”лар яратиш имкониятлари	62

<b>Ҳ.И.Турдибеков, У.Н.Атамуродов, И.Х.Ниматов</b> Туризм дестинациялари инфратузилмасини ривожлантириш йўналишлари	66
<b>Б.А. Қўзибоев</b> Ўзбекистонда инклюзив туризм муаммолари	70
<b>А.М.Амиров</b> Худудий агротуризм салоҳиятини баҳолаш: назарий ёндашувлар	73
<b>Z. I. Abdullaeva</b> Raqamli iqtisodiyotning turizmدا mohiyati va ahamiyati	78
<b>С.Ю.Пулатова</b> Факторы, влияющие на развитие культурного туризма в узбекистане	82
<b>И.И.Аюбов, Ғ.Ғ.Ғаниев</b> Ўзбекистоннинг туризм хизматлари бозорида инвестицион муҳитнинг ҳолати	86
<b>А.Н.Холиқулов, Р.Т.Қудратов</b> Меҳмонхона хизматлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари	89
<b>Т.И.Яҳёев</b> Туристтик корхоналарда харажатлар таҳлилини молиявий ҳисоб халқаро стандартлари бўйича ишланган ахборотлар асосида амалга ошириш масалалари	93
<b>Ю.А.Тайиров</b> Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари: назарий-услубий муаммолар ва ечимлар	96
<b>КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК</b>	
<b>Ш.О.Кувандиков</b> Сервис соҳаси тараққиёти ва унда оилавий тадбиркорликнинг ўрни	101
<b>А.А. Бектемиров</b> Тадбиркорликни инновацион ривожлантириш омиллари	106
<b>Ш.С.Олгаев</b> Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инновацион ривожлантиришдаги кенг имкониятлар	110
<b>Ш.Н.Ахунова</b> Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини хорижий кредит линиялари томонидан молиялаштириш	112
<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>М.Қ.Пардаев, Ш.Ш.Болтаев, Ш.И.Қодирова</b> Инновацион иқтисодиёт шароитида корхонада харажатлар самарадорлигини бошқаришда тежамкорлик режимига амал қилишнинг асосий йўналишлари	115
<b>С.К.Бойжигитов</b> Маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш усуллари кўллашнинг назарий асослари	120
<b>З.М.Усманова</b> К проблемам совершенствования механизма управления персоналом на предприятиях лёгкой промышленности	123
<b>Д.Ҳ.Холмаматов</b> Инновацион иқтисодиёт шароитида маркетинг тамойиллари асосида улгуржи товар айланмасини режалаштириш	126
<b>У.Х. Каландаров, З.Н. Бободустов</b> Методы повышения ценности товарной продукции и разработка оптимального планирования ассортимента (1-статья)	131

<b>МОЛИЯ ВА БАНК ХИЗМАТЛАРИ</b>	
<b>Н.М.Бабаева</b> Суғурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта портфелининг ўрни	135
<b>М.П.Цой</b> Риски и доходность финансовых вложений	138
<b>А.Б.Бектемиров, Х.Б.Хўжаёров</b> Математическая модель кредитования коммерческими банками, учитывающая конкурирующие интересы сторон	141
<b>ИНВЕСТИЦИЯ</b>	
<b>М.Khamroev, M.Khotamkulova</b> The role of insurance companies and foreign investment in the growth of the national economy: problems and solutions	146
<b>С.Самиев</b> Инвестицион фаолият ва уни молиялаштириш	149
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>У.А.Ширинов</b> “Узбектелеком” акценоерлик компанияси филиаллари ва улар боғламаларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш	153
<b>М.Ш.Маматкулов</b> Кўп квартиралар уйлари самарали бошқаришда бошқарув ҳисоби методологиясини такомиллаштириш	158
<b>А.А.Остонокулов</b> Олий таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов контракт шакли маблағлари ҳисобининг хусусиятлари	162
<b>Х.Н.Абдуллаев</b> Транспорт корхоналарида хизматлар таннархини шакллантиришнинг назарий-услубий асослари	166
<b>Б.Ж.Иброҳимов</b> Қурилиш соҳаси бошқаруви самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили	171
<b>Д.С.Ташназарова</b> Бошқарув (менеджментлик) ҳисобига янги таъриф	175
<b>Н.Ш. Хажимуратов</b> Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисоботларни тузишнинг методологик асослари	179
<b>КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>О.С.Қаҳҳоров, Б.И.Адизов, А.Э.Норов</b> Олий таълим муассасалари инновацион фаолиятини тижоратлаштириш самарадорлигини оширишда кадрлар тайёрлаш устуворлиги (2-мақола)	184
<b>Х.Х.Бердиев</b> Кадрлар тайёрлашда “девону луғотит турк” комусий асарининг ўрни	188
<b>Н.Н.Мукумова</b> Реформы в системе высшего образования за годы независимости	191
<b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>	
Қалб хотиржамлигининг сири	195
<b>АТАМАЛАР ТАЪРИФЛАРИ</b>	
<b>М.Қ.Пардаев</b> “Ш” ҳарфи билан бошланадиган категория ва атамаларнинг таърифлари	196

М.Ш.Маматкулов – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, мустақил изланувчи и.ф.н., доцент

## КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** мақолада кўп квартирали уйларга коммунал хизмат кўрсатувчи субъектларда бошқарув тизими ва ҳисобини юритиш тартиби очиб берилган бўлиб, унинг методологияси тадқиқ этилган. Хусусан, кўп квартирали уйларга коммунал хизмат кўрсатувчи уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарувчи ташкилотларда жавобгарлик марказларини бошқарув ҳисоби нуқтаи назаридан таснифлаш, уларнинг таркиби ва тузилмаси, кўп квартирали уйларни бошқаришда бошқарув ҳисобини ташкил этиш унсурлари ва тартибга солувчи ҳужжатлар таркибини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар кенг ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув ҳисоби, жавобгарлик марказлари, жавобгарлик марказлари таркибий тузилмаси, бошқарув ҳисобини ташкил этиш унсурлари, бошқарув ҳисобини ташкил этишда тартибга солувчи ҳужжатлар.

**Кириш.** Кўп квартирали уйларни бошқарувчи ХУЖМ ва бошқарувчи ташкилот томонидан бошқариш тизимида бошқарув ҳисобини ташкил этиш деганда аниқ, ишончли ва ўз вақтида етказилган ахборотларни самарали қайта ишлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда топшириқларнинг ижроси устидан назоратни ўрнатиш мақсадида ҳисоб ва ҳисобот мажмуасини шакллантириш тушунилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда кўп квартирали уйларни УЖМШ ва бошқарувчи ташкилот бошқаруви учун ахборотларни тайёрлаш жараёнлари бўйича ҳамда бошқарув ҳисобини юритиш бўйича аниқ бир методология ишлаб чиқилмаган. Тадқиқотимизда шу методологияни ишлаб чиқиш бош масала қилиб қўйилди.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолани тайёрлашда кўп квартирали уйларга коммунал хизмат кўрсатувчи субъектларда бошқарув ҳисобини ташкил этиш, уларда жавобгарлик марказлари таснифи ва тузилиши ҳамда улар бўйича меъёрий ҳужжатларни шакллантириш, кўп квартирали уйларни бошқаришда бошқарув ҳисоби методологиясини очиб бериш юзасидан масалалар тизимли таҳлил қилинган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Бир қатор илмий ва назарий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда, биз танлаб олган объектларнинг бошқарув ҳисоби юзасидан илмий ва амалий изланишлар ҳанузгача олиб борилмаган. Айрим хорижий олимлар, хусусан, А.К.Гильде, О.В.Лаптева, А.Д.Шеремет [1]ларнинг илмий тадқиқотларида бошқарув ҳисобининг айрим технологик ва ташкилий хусусиятлари ёритилган. Улар жумласига қуйидагиларни қайд қилиш мумкин: ишлаб чиқаришнинг тармоқ хусусиятлари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)нинг таркиби, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқариш тури, цехларнинг ихтисослашган шакллари (технологик, предметли, ёпиқ яқунли циклдаги предмет-технологик), ишлатилаётган хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва бошқарувнинг ташкилий тузилмалари шакллари. Ушбу хусусиятларнинг айрим қирралари С.И.Полякова, А.М.Карминский ва А.Г.Оленев [2]лар томонидан тадқиқ этилган. К.Друри [3] эса, иқтисодий омилларига, яъни иқтисодий инфляция даражаси, ишлаб чиқариш суръатининг ўзгариши, рақобатнинг кучайиши кабиларга ўз эътиборини қаратган.

Бизнинг фикримизча, кўрсатиб ўтилган ташки муҳит омиллари хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз ҳаётий циклининг конкрет оралиғида бошқарув ҳисобини ташкил этиш шакллари танлашига эмас, кўпроқ даражада тарихий кўринишда бошқарув ҳисоби шакллари шаклланишига таъсир этади.

Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг айрим жиҳатлари В.Ф.Палий [4] томонидан кўриб чиқилган. Бироқ, у тармоқ хусусиятларига мослаштирилмаган ҳолда бошқарув ҳисоби хусусиятларини таҳлил қилишган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, юқоридаги муаллифларнинг айримлари мазкур масалани ёритишда жуда тор доирада ёндашишган. Хусусан, М.А.Вахрушина бошқарув ва бухгалтерия ҳисобларининг фақат ҳисоб рақамларида хўжалик муомалаларини акс эттириш қисмидаги алоқаларини ёритиш билан чекланган [5].

Т.П.Карпова томонидан бошқарув ҳисобини ташкил этиш бўлинмаларини бошқариш

нуктаи-назарида кўриб чиқилган, хусусан, масъулият марказларини ташкил этиш, бўлинмалар ўртасида доимий ўзаро алоқалар ва вақтинчалик ўзаро муносабатларни ўрнатиш, кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, ички ҳисобот шакллари ва ҳоказо [6].

Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисоби дейилганда корхонанинг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқаришда оптимал бошқарув қарорларини чиқариш учун зарур бўлган ахборотлар тизимини яратиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида юритиладиган ҳисобдир.

**Таҳлил ва натижалар.** Юқоридаги фикрларнинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ва кўп квартирали уйларни бошқарувчи УЖМШ ва бошқарувчи ташкилотлар томонидан бошқаришда бошқарув ҳисобини ташкил этишни кенгрок маънода талқин этилиши лозимлигини таъкидлаб, унинг таркиби қуйидаги унсурлардан топилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз. Ушбу амаллар қуйидаги 1-жадвалда рўйхати келтирилган ички меъёрий ҳужжатларда қайд этилиши зарур.

1-жадвал

**Кўп квартирали уйларни бошқаришда бошқарув ҳисобини ташкил этиш унсурлари ва тартибга солувчи ҳужжатлар рўйхати**


<b>Бошқарув ҳисобини ташкил этиш унсурлари</b>	<b>Тартибга солувчи ва тузиладиган ҳужжатлар</b>
Бошқарув ҳисоби учун умумий кўрсаткичлар тизимини яратиш	Ҳисоб сиёсати
Тармоқнинг масъулият марказлари тузилмасини ишлаб чиқиш	Даромадлар ва харажатлар сметаси
Бошқарув ҳисобида иш юритиш ва унинг функцияларини бўлинмалардаги иш ўринларига мос равишда бириктириш	Лавозим йўриқномалари
Бошқарув ҳисобини юритиш учун ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақсимлаш, ижродан сўнг умумлаштириш	Ҳисоб сиёсати
Бошқарув ҳисобини юритиш мақсадларида янги очилган счётларда маълумотларни акс эттириш тартибини жорий этиш	Ҳисоб сиёсати
Бошқарув ҳисоби ҳисоботларини жорий этиш ва шакллантириш	Ҳисоб сиёсати
Бошқарув ҳисоби ва ҳисоботлари асосида таҳлил ўтказиш ва самарали қарорлар қабул қилиш	Бошқарув ҳисоби мақсадларида тузилган ички тезкор ҳисоботлар
Бошқарув ҳисобини юритишни автоматлаштириш	Ички тезкор жадваллар ва ҳисоботлар

Шундан келиб чиққан ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, кўп квартирали уйларни бошқаришда бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг базавий унсурлари бошқарув учун кўрсаткичлар тизими ва масъулият марказлари тузилмаси бўлиб ҳисобланади. Улар тўпланиши, қайд этилиши, қайта ишланиши керак бўлган ахборотлар таркиби ҳамда ушбу маълумотларнинг ҳисоби ташкил этиладиган сегментлар таркибини белгилаб беради.

Белгилаб олинган мақсад ва вазифаларга эришиш учун кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатувчи УЖМШ ва бошқарувчи ташкилотларнинг бўлинмалари жавоб беришлари мумкин бўлган молиявий кўрсаткичларни қуйидаги бешта гуруҳ билан таснифлаш мумкин: харажатлар, тушум (даромад), ялпи даромад (доимий харажатлар айрилгандан кейинги тушум), фойда (доимий ва ўзгарувчан харажатларни олиб ташлаган ҳолдаги даромад), инвестиция қилинган капитал, фойда.

Шундай қилиб, жавобгарлик марказлари ва уларнинг турлари, УЖМШ ва бошқарувчи ташкилотларнинг молиявий натижалари бўлиб молиявий кўрсаткичлар бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш учун хизмат қилади. Улар юқори жавобгарлик марказларига ўзаро боғлиқ ва бўйсунадиган жавобгарлик марказлари тўплами ҳисоб-ланади. УЖМШ ва бошқарувчи ташкилотнинг бир нечта бўлинмалари битта жавобгарлик маркази сифатида белгиланиши жавобгарлик марказлари ости жавобгарлик марказларини ўзларини ҳам яна тизим ости бўлинмаларга ажратиш мумкинлигини билдиради.

Қуйидаги 1-чизмада кўп квартирали уйларни бошқарувчи субъектларни масъулият марказларининг биз томонимиздан ишлаб чиқилган тузилмаси келтирилган.



**1-чизма. Кўп квартирали уйларни бошқарувчи субъектларнинг жавобгарлик марказлари ва уларнинг таркибий тузилмаси**

**Хулоса ва таклифлар.** Бошқарувчи ташкилот инвестиция маркази кўрсаткичлари, яъни инвестиция фаолияти самарадорлиги (жойларнинг мулкдорларига кўрсатилган хизматлар бўйича тўловлар тўланиши муддати) ва умумий молиявий ҳолати кўрсаткичларини (молиявий мустақиллик ва барқарорлик коэффициенти ва бошқалар) ўз ичига олиши билан юқоридагилардан фарқ қилади.

Кўп квартирали уйларни бошқаришда жавобгарлик марказларининг асосий кўрсаткичлари уларни бюджетини тузиш ва бюджетлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Улардан баъзилари тўғридан-тўғри бюджетни шакллантирилишига (масалан, даромад ёки мақсадли молиялаштириш учун тушумлар), баъзилари эса, бюджет кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ эмас (масалан, рентабеллик).

Тадқиқотларимиз натижаларига биноан танлаб олинган объектларда жавобгарлик марказларининг асосий фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар таркибига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

1. УЖМШлар учун даромадлар марказининг асосий кўрсаткичлари: таъмирлаш-тиклаш, жойларнинг мулкдорлари аъзолик бадаллари ва улар бўйича дебиторлик қарзлари, уй-жойларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ даромадлар ва бошқалар.

Бошқарувчи ташкилотлар учун даромадлар марказининг асосий кўрсаткичлари: кўп квартирали уйларга кўрсатилган коммунал хизматлар ва таъмирлаш-тиклаш, жойларнинг мулкдорлари кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ва улар бўйича дебиторлик қарзлари,

тадбиркорлик ва уй-жойларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ даромадлар ва бошқалар.

2. УЖМШларда харажатлар марказининг асосий кўрсаткичларига бажарилган ишларнинг ҳажми, таъмирлаш-тиклашнинг сифат кўрсаткичлари, кўрсатилган хизматлар таннархи ҳажми ва таркиби, асосий воситалар ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлари ва бошқалар киради.

Бошқарувчи ташкилотларда харажатлар марказининг асосий кўрсаткичлари ҳам УЖМШлар кабидир.

3. УЖМШ ва бошқарувчи ташкилотларда фойда маркази кўрсаткичлари бир ҳил, шунингдек жорий фаолиятнинг молиявий-иктисодий самарадорлиги кўрсаткичлари: рентабеллик, айланма маблағларнинг таркиби, активларнинг рентабеллиги ва бошқалар.

4. Инвестиция марказининг кўрсаткичлари УЖМШда, инвестиция фаолияти самарадорлигини (аъзолик бадалларининг тўланиш муддати) ва умуман ХЖМШнинг молиявий ҳолати (молиявий мустақиллик ва барқарорлик коэффициенти ва бошқалар);

Кўп квартирالي уйларни самарали бошқаришда жавобгарлик марказлари бюджетини шакллантириш ва бюджетлаштиришда юқори бўғиндан пастки бўғинга қараб йўналтирилишида мазкур кўрсаткичларнинг хизмати катта. Бундан ташқари, асосий молиявий кўрсаткичлар ҳолатини аниқлашда улар сонининг турличалигини бухгалтерия тизимида ҳисобга олинган бўлиши лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Гильде Э.К. Нормативный учет в промышленности. – М.: Финансы и статистика, 1976., Лаптева О.В. Работа службы заказчика с населением.//Журнал руководителя и главного бухгалтера ЖКХ. -2004. №2 ч. I. - С. 15-21.
2. Полякова С.И. Хозрасчет отделов и служб предприятия. – М.: Экономика, 1991. – 112 с., Карминский А.М., Оленев А.Г. Контроллинг в бизнесе. Методологические и практические основы построения контроллинга в организациях. – М.: Финансы и статистика, 1998. – 256 с.
3. Друри К. В ведение в управленческий и производственный учет: пер. с англ. под ред. С.А.Табалиной. – М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. – 560 с.
4. Палий В.Ф. Организация управленческого учета. – М.: Бера-тор-Пресс, 2003. – 224 с.
5. Вахрушина М.А. Бухгалтерский управленческий учет: учебник для вузов. 3-е изд., доп. и пер. – М.: Омега-Л, 2004. – 576 с.,
6. Карпова Т.П. Управленческий учет: учебник для вузов. 2-е изд., перер. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. – 351 с.

<p><b>М.Маматкулов</b></p> <p><b>Совершенствование методологии управленческого учета в эффективном управлении многоквартирными домами</b></p> <p><b>Аннотация:</b> в статье раскрываются система управления и процедуры учета в коммунальных службах многоквартирных домов, а также исследуется ее методология. В частности, широко раскрыты научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию классификации центров ответственности с точки зрения управленческого учета в квартирных компаниях и управляющих организациях, их состава и структуры, элементов управленческого учета в управлении многоквартирными домами и содержания нормативных документов..</p> <p><b>Ключевые слова:</b> управленческий учет, центры ответственности, структура центров ответственности, элементы организации управленческого учета, нормативные документы в организации управленческого учета.</p>	<p><b>М.Mamatkulov</b></p> <p><b>Improving the methodology of management accounting in the effective management of multi-apartment buildings</b></p> <p><b>Abstract:</b> the article reveals the management system and accounting procedures in the utilities of apartment buildings, and explores its methodology. In particular, scientific proposals and practical recommendations for improving the classification of responsibility centers in terms of management accounting in apartment companies and management organizations, their composition and structure, elements of management accounting in the management of apartment buildings and the content of regulatory documents widely covered.</p> <p><b>Keywords:</b> management accounting, responsibility centers, the structure of responsibility centers, elements of the organization of management accounting, regulatory documents in the organization of management accounting.</p>
-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

Гувоҳнома № 18-2464

21.09.2020 йилда теришга берилди. 27.09.2020 йилда босишга рухсат этилди.

Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 14,49. Ҳисоб-нашриёт табоғи 12,5. Адади  
100 нусха. Буюртма № \_\_\_\_\_.

Жўрнал МЧЖ “Наврўз полиграфия” матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳри, Л.М.Исаева кўчаси, 38-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2020